

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

31 май 2018 й. г. № 405

Тошкент ш. – г. Ташкент

Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш майдонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

Қишлоқ хўжалиги экинларини ҳимоя қилиш бўйича хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашиш бўйича хизматлар кўрсатиш тарифларини шакллантирилишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш майдонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашиш бўйича хизматлар кўрсатиш тарифларини шакллантириш методологиясини назарда тутувчи тавсия ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

мазкур тавсияни амалиётда фойдаланиш учун жойларга етказилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т.Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т. Юсупов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “31” майдаги
405 -сон қарорига
илова

**Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари
ва бегона ўтларнинг тарқалиш майдонларини аниқлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтлар тарқаладиган майдонларни аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш майдонларини аниқлаш ўсимликларни химоя қилиш тадбирларини режалаштириш, зарур кимёвий, биологик химоя воситаларга бўлган талабни аниқлаш ва тадбирларни амалга ошириш муддатларини белгилаш мақсадида амалга оширилади.

3. Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтлари тарқаладиган майдонларни аниқлаш ҳудудларнинг фитосанитария мониторинги асосида ўсимликларни самарали муҳофаза қилишни башорат қилиш орқали амалга оширилади.

4. Ўсимликларни химоя қилишни башорат қилиш қуйидаги башорат турлари ва усуллари орқали амалга оширилади:

узоқ муддатли башоратлар;

қисқа муддатли башоратлар;

фенологик кузатув.

5. Узоқ муддатли башорат беш йилдан кам бўлмаган муддат натижалари асосида тузилади. Бундай башоратлар илмий-тадқиқот муассасалари тайёрлаган тавсиялар асосида жойлардаги ўсимликларни химоя қилиш мутахассислари томонидан йиғилиб, тегишли ахборотнинг максимал миқдори асосида тузилади.

6. Қисқа муддатли башорат бир неча кундан бир ой муддат ичида тарқаладиган зарарли организмлар учун ишлаб чиқилади.

Қисқа муддатли башорат фитосанитар ҳолатни аниқлаш, қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш ёки муайян экологик вазият учун кераксиз бўлган тадбирларни ўзгартириш мақсадида амалга оширилади.

7. Зараркунандалар ва экинларнинг ривожланиши бўйича фенологик кузатув давомида муайян экологик шароитларда уларнинг ўзгариш эҳтимоли даражаси ёки маълум фазаларини бошланишини белгилаш мақсадида амалга оширилади.

Фенологик кузатувлар муайян экологик шароитларда алоҳида турларнинг мумкин бўлган зарарини аниқлаш учун ва унга қарши курашни оптимал муддатини белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

2-боб. Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш майдонларини аниқлаш

8. Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш майдонларини аниқлаш иловадаги схема асосида амалга оширилади.

9. Худудий “Агрокимёхимоя” акциядорлик жамиятининг туман филиаллари мутахассислари томонидан ўсимликларни химоя қилишни башорат қилиш тадбирлари ҳар йили ноябрь ойининг 10 санасигача зарарли организмларнинг қишлоқдаги захирасини аниқлаш мақсадида тупрок намуналари, дала атрофларидаги ўсимлик қолдиқлари, дарахт пўстлоқлари ва новдаларида кузатув ишлари олиб бориш орқали амалга оширилади.

10. Башорат ишларини амалга оширишда туман худудларида ҳамда фермер хўжаликларида ўтган йилда зарарли организмлар тарқалган майдонлар таҳлил қилинади.

11. Худудий “Агрокимёхимоя” акциядорлик жамиятининг туман филиаллари мутахассислари томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш майдонлари бўйича таҳлилий маълумотлар жамланиб, туманлар Қишлоқ хўжалиги бўлимлари, туманлар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудий “Агрокимёхимоя” акциядорлик жамиятларига тақдим этилади.

12. Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш башорати тўғрисидаги маълумотлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудий “Агрокимёхимоя” акциядорлик жамиятлари томонидан ҳар йили ноябрь ойининг 20 санасигача туманлар кесимида жамланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар Қишлоқ хўжалиги бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан келишилган ҳолда “Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамиятига тақдим этилади.

13. “Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамияти, “Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти” масъулияти чекланган жамияти, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари билан биргаликда ҳар йили декабрь ойининг 31 санасигача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш башорати тўғрисидаги маълумотлар олиниб, умумлаштирилади.

14. Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш башорати тўғрисидаги маълумотлар кўп йиллик агрометеорологик ва зарарли организмларнинг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар асосида таҳлил қилинади.

15. Ўсимликларни химоя қилиш соҳаси бўйича мутахассислар ва олимларнинг таҳлиллари натижаси асосида қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш хавфини кузатиш ва бартараф этиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилади.

16. “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти” масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳар йили январь ойининг 15 санасигача қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш хавфини кузатиш ва бартараф этиш бўйича тавсияномалар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ҳамда худудий “Агрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятларига амалиётда фойдаланиш учун юборилади.


Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш хавфини кузатиш ва бартараф этиш бўйича тавсияномалар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти ўзларининг расмий веб-сайтларида эълон қилади.

17. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти билан биргаликда Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалишининг олдини олиш бўйича ҳар йили комплекс чоратadbирлар режасини ишлаб чиқиб, амалга оширади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Ушбу Низомда тартибга солинмаган масалалар, шунингдек уни қўллашда юзага келадиган келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

19. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш майдонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга илова

Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш майдонларини аниқлаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Амалга ошириладиган ишлар	Муддат
1-босқич	Худудий “Агрокимёхимоя” акциядорлик жамиятининг туманлар филиаллари, туманлар Қишлоқ хўжалиги бўлимлари, туманлар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Зарarli организмларнинг қишлоқдаги захирасини аниқлаш мақсадида тупроқ намуналари, дала атрофларидаги ўсимлик қолдиқлари, дарахт пўстлоқлари, новдаларида кузатув ишлари олиб бoрилади. 2. Ўтган йилда зарarli организмлар тарқалган майдонлар таҳлил қилинади. 3. Маълумотлар жамланиб, туманлар Қишлоқ хўжалиги бўлимлари, туманлар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудий “Агрокимёхимоя” акциядорлик жамиятларига тақдим этилади. 	ноябрь ойининг 10 санасигача
2-босқич	Худудий “Агрокимёхимоя” акциядорлик жамиятлари, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар Қишлоқ хўжалиги бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Туманлардан олинган маълумотлар жамланади. 2. Маълумотлар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар Қишлоқ хўжалиги бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан келишилган ҳолда “Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамиятига тақдим этилади. 	ноябрь ойининг 20 санасигача
3-босқич	“Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамияти, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти” масъулияти чекланган жамияти, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимидаги маълумотлар умумлаштирилади. 2. Умумлаштирилган маълумотлар кўп йиллик агрометеорологик маълумотлар ва зарarli организмларнинг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар асосида таҳлил қилинади. 3. Мутахассислар ва олимларнинг таҳлиллари асосида келгуси йил учун зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларнинг тарқалиши ва ривожланиши тўғрисида узоқ муддатли башорат бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилади. 	декабрь ойининг 31 санасигача
4-босқич	“Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамияти, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти” масъулияти чекланган жамияти.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Келгуси йил учун зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларнинг тарқалиши ва ривожланиши тўғрисида узоқ муддатли башорат бўйича тавсияномалар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига худудий “Агрокимёхимоя” акциядорлик жамиятларига юборилади. 2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамияти расмий веб-сайтларида эълон қилинади. 	келгуси йил январь ойининг 15 санасигача